

Уйда қолишга чорлаётган Ўзбекистон тумани ёшлари

“Ёшлар-келажагимиз” жамғармаси #Uyda_QOL_FOYDA_OL челленджи доирасида танлов эълон қилган. Жамғарма мазкур танловда умумий ютуқ 36 млн. сўм этиб белгиланганлигини [маълум қилмоқда](#).

Ўзбекистон тумани ёшлари ҳам “Ёшлар-келажагимиз” жамғармасининг челленджида фаол иштирок этиб, **уйда қолишни ва фойда олишни** фаол тарғиб қилишмоқда.

- Челлендж орқали туман ёшларини карантин даврида уйда қолиб фойдали меҳнат қилишга, шунингдек, даромад олишга ундашга катта аҳамият қаратяпмиз, - дейди жамғарманинг туман бўлими раиси Алишер Ўринов. - Албатта биз ёшлар бу синовларни ҳамжиҳатликда енгиб ўтамиз. Уйда карантин даврини ўтаётган барча ёшларимизга уйда қолиб даромад топаётган фаол ёшларимиз ютуқларини, онлайн маслаҳатлар ва мастер-классларни бериб борамиз.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати



















2020-04-04 15:19:15